Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 178 (6. 369) 1987 йил 7 август, жума Баҳоси 3 тийин

## Замондошимиз



## Надежданинг бахти

— Ўзингизни бахтиёр ҳисоблайсизми!
— Бўлмасамчи.

— Ишлайсиз, рўзғорингиз тўкин, икки фарзандингиз бор экан. Демак, ҳал қилишингиз лозим бўлган проблемалар йўқ десак ҳам бўлар эканда!

— Аксинча. Ҳал қилишимиз лозим бўлган муаммолар жуда кўп. Энг аввало ишга муносабатни ўзгартириш керак. Аввалги талаб бўйича ўз топшириғингни уддаласанг бўлди эди. Мукофотни олаверардинг. Энди эса вазият бутунлай ўзгарди. Бригаданинг бир аъзоси планни бажармаса, бутун коллектив мукофотдан маҳрум бўлади. Ҳозирча бизда бундай нохушлик бўлгани йўқ. Бу бригадамиз аъзоларининг замон руҳи билан яшаётганлиги, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилаётганлигининг натижасидир. Олдимизда Галина ва Катяни тарбиялаш, элга қўшиш вазифаси ҳам турибди. Бу энг қийин, кечасию-кундузи ўйлаш, эътибор талаб қиладиган вазифа.

— Бири мактабда, иккинчиси боғчада экан. Уларнинг баркамол кишилар бўлиб етишишига шубҳаланмаётганлигингиз ўринлими!

— Менимча, бола тарбиясида ҳеч бир ташкилот, ўзга инсон ота-она ўрнини босолмайди. Ишдан қайтганимдан кейин Галинага дарс тайёрлашда кўмаклашаман. Гоҳида математика масалаларини ҳал қилолмай қўшнилардан маслаҳат сўрайман. Катяни овунтириш учун қўғирчоқни аллалашга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасини иштиёқ, меҳр билан қиламан. Оналик бурчимни ўтаётганимдан ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Юқоридагиларга Надежда Бочарованинг «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-филиалидаги энг илғор ишчилардан бири эканлигини, меҳнатдаги зафарлари учун коммунистик меҳнат зарбдори унвонини қўлга киритганлигини қўшимча қилиш лозим. У ҳар куни пландаги 600 погон метр ўрнига 650—700 погон метр юқори сифатли ватин тўқиб ҳамкасбларини ҳам пешқадамликка ундамоқда.

СУРАТДА: Надежда Бочарова

Т. Каримов фотоси.

1917
1987

## Салмоқли ҳисса

Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шонли сана — Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига цехлар, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқда. Самара ёмон бўлмаяпти.

Ярим йиллик товар ишлаб чиқариш, реализация плани ошириб бажарилди. Чеварлар КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини ўрганиб, унга амалий ишлари билан жавоб бермоқдалар. Коммунист ва комсомоллар бу ишда бошқош бўлишмоқда. Эскириб қолган техникалардан воз кечиб янги-янги ускуналар ўрнатилиб ишга туширилди. Энг аввало ҳамма диққат-эътибор ишлаб чиқарилаётган кийимларнинг харидорбоп бўлишига қаратилмоқда.

Бирлашма чеварлари «Н» индекси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини 32 процентдан 50 процентга етказиш учун изланмоқдалар. Бирлашмада планларни ошириб бажаришда 3-цех чеварлари ғолиб бўлмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

## Изланиш йўлида

У. Саримсоқов 1982 йилда мураккаб ва оғир касб — трамвай ғилдирагини ремонт қилиш ишини эгаллашга бел боғлади. Шундан бери «Тошкент Совети 50 йиллиги» вагон-ремонт заводида ишламоқда.

Олий маълумотли мастер инженерлик касб сирининг нозик томонларини ишда омилкорлик билан қўллади. Инсон омилига эътиборни кучайтириш натижасида коллективда ўз ўрнини топган Усмонжон янгидан-янги ютуқларга эриша бошлади. У инженерлик бурчини иш билан чегараламасдан жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда.

1984 йил Усмонжон учун энг бахтли йиллардан бири бўлиб қолди. Жонкуяр ташкилотчи коммунистлар сафига аъзо бўлди. Ёш коммунист бригада аъзолари билан суҳбатлашиб трамвай ғилдиракларини ремонти цехида пудрат асосида ишлаш усулини жорий этди.

Илғор ишчилар А. Осеев, А. Аҳмедов, Ш. Бойназаровлар ҳар ойда 24 ўрнига 26 та ғилдиракни сифатли ремонт қилишга эришмоқдалар. Усмонжоннинг ҳаётида яна бир янгилик содир бўлди. Корхона ишчилари учун механика цехига бошлиқ этиб тайинладилар. Янги бошлиқ ишончни шараф билан оқлаш ниятида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига социалистик мусобақани янада қизитиб юборди.

С. АЛИЕВ.

## Ҳамкорликда ишлашмоқда

Николай Балкунов ва Владимир Меховлар раҳбарлик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадалари кўп йиллардан бери ўзаро ҳамкорлик қилиб ишламоқдалар.

Республикамиз пойтахтидаги 4-қурилиш трестининг бу пешқадам коллективлари илғор иш тажрибаларини ўзаро ўртоқлашадилар.

Шу туфайли ҳам уларнинг иш кўрсаткичлари ҳамон кўнгилдагидек бўлмоқда. Барча объектларни барвақт ва белгиланган муддатларда барпо этишяпти. Шу кунларда 240 ўринли иккита ётоқхона қурилишини жадал олиб боришяпти. Ҳар куни топшириқни 115—120 процентдан бажаришмоқда.

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари маҳсулот сифатини яхшилаш, хилини кўпайтириш йўлидан боришмоқда. Масъулиятли топшириқларни бажариш, тиғиз участкалардаги муаммоларни ҳал қилишда коммунистлар намуна кўрсатишмоқда. 5-йиғув цехи коммунистларининг фаолияти бунга далил бўла олади. Улар «70 йилликка — 70 зарбдор ҳафта», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик шахсий планни бажарамиз» каби ташаббусларга биринчилардан бўлиб қўшилишди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларига амалий жавоб бериш ниятида маҳсулот сифатини 5,3 процентга яхшилаш, таннархини 2,5 процентга арзонлаштиришга аҳд қилдилар.

Иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланаётган йиғувчилар планларни ҳамиша ортиғи билан бажариб келаяптилар. Улар олти ойлик топшириқни муддатидан бир неча кун илгари 102,3 процентга адо этдилар. Зафарни таъминлашга коммунист слесарь-йиғувчилар Акбар Юсупов, Ҳасан Турсунов, Андрей Дюков, Носир Мақсудов, Валентина Юртаева, Собир Жумаев кабилар арзигули ҳисса қўшдилар. Уларнинг ғайрат-шижоати, шахсий намунаси бошқаларни ҳам илғорлар сафида бўлишга, ҳар бир вазифани масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, аъло даражада бажаришга ундамоқда.

## Коммунист ва беш йиллик

# Талабчанликни ошириб

Шу долзарб кунларда цехда «УПХ—1, 5В» маркали кўрак чувиш машиналари йиғилмоқда. Пахтакорнинг ҳақиқий мададкори бўлган бундай механизмдан ҳар куни 20 таси республикамиз хўжаликларига жўнатиляпти. Коллектив йил охиригача дала меҳнаткашларига 400 мингта юқори унумли агрегат етказиб бериш бўйича социалистик мажбурият қабул қилган. Бунинг учун резервлар етарли.

— Цехимизда мураббийчилик яхши йўлга қўйилган. Моҳир йиғувчиларимиз ўринбосарларнинг малакасини оширишни ўз зиммаларига олишган. Гапнинг ростини айтганда, ишни, умумий кўрсаткичларимизни яхшилашга халал бераётган камчиликлар ҳам бор. 3, 7-цех бизга зарур қисмларни узлуксиз ва вақтида етказиб бермаяпти. Болт, подшипник, гайка ва шу кабиларни белгиланганидан ниҳоятда кам миқдорда олаяпмиз. Бу шошма-шошарлик, брак маҳсулот тайёрланишига сабаб бўлмоқда. Цех бошлиқлари Р. Отажонов ва Б. Кимлар бу ҳолни кўра-била туриб, ҳеч қандай чора-тадбирлар белгиламаётганлари таажжубли ҳолдир. Агар хом ашёни ўз вақтида, етарлича қабул қилганимизда, бир сменада 20 та эмас, 25 тадан кўрак чувиш механизмларини конвейердан чиқаришга эришган бўлардик, — дейди смена мастери Х. Турсунов.

Топшириқларни ортиғи билан уддалашнинг резервлари кўп. Цех партия ташкилотига бирлашган 37 нафар партия аъзосининг кўпчилиги бир беш йилликда — икки беш йиллик шахсий планни бажаришга аҳму-қарор қилганлар. А. Дюков, Б. Ўринбоев, А. Юсупов, В. Лозевич каби коммунистлар шу кунларда 1988 йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилаяптилар. Айримлар йиллик шахсий планларини бажариш арафасида туришибди. Лойиҳачилардан Хатима Усмонова, Юрий Плавцовлар замонавий, юқори унумли техника яратишда маҳорат кўрсатишяпти.

Шунга қарамай, бирлашмада эскича иш услубини янгилаш осон бўлмаяпти. Айримлар ички имкониятларни ишга солишдан ҳамон бошқаларнинг ёрдамига кўз тикиб туришни афзал кўришмоқда. Қайта қуриш жараёни амалга оширилаётган бир пайтда резервлардан тўлиқ фойдаланиш, камчиликларга қарши муросасиз курашишда изчиллик сезилмаяпти. Ваҳоланки, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида бу алоҳида таъкидланган эди. «Бироқ кўп кишилар асосан ўзларининг шахсий куч-ғайратларига таянмасдан, марказдан ёрдамга кўз тутиб, бошқа регионлардан маҳсулот ташиб келтирилишига умид қилиб, эскичасига ҳаракат қилишда давом этмоқдалар... Лекин маҳаллий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида ўйламасдан фақат бошқа томондан келишига қараб ўтираверишга — бу тайёрга айёрликдан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас».

Бу талаб барча ишчи коллективларини ижодкорликка, янгича иш юритишга ундайди. Ана шуни ҳисобга олган цех ишчи ва хизматчилари ошкоралик, масъулиятни ошириш йўлидан бормоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ, «Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

# Ишчи касбига муҳаббат

Бугунги кунда минглаб ишчи аёллар дастгоҳлар ёнида туриб халқ бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Улар сафида «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Мафкария Галимова ҳам бор. Яқинда у Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломини ва «Энг яхши ишчи ва ёшлар устози» деган номни олишга муяссар бўлди.

М. Галимова 1986 йилда олти қизга касб сирларини ўргатди. Улар ҳозир план топшириқларини бемалол уддалаяпти. Тиниб-тинчимас мураббия яна янги келган ишчини оталиққа олди. Нурия Ибрагимова кечагина ҳунар-техника билим юртини тугатиб келган қизчага иш ўргатаётган устозига қараб беихтиёр ўзининг шогирдлик пайтини эслади. У ҳам худди шу қизчадек ийманиб, бироз ҳайиқиб иш бошлаган эди.

— Бугундан бошлаб янги пальто тика бошлаймиз. Буниси аввалгилардан ўзгача, ихчам, чиройли, — деди Мафкария опа шогирди Нурияга.

— Дарров-а? Буни эндигина ўрганиб олгандим.

— Қўрқма, бунисини ҳам тезда ўзлаштириб оласан. Кўникканимизни тикаверсак, халқ дид ва талабидан орқада қоламиз. Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганлар. Одам бир ишни бошлаганда албатта қийналади. Дадил бўлиш керак.

Опанинг гапидан уялиб, юзлари қизарган Нурия «Йўғ-ей, ўзим шундай айтдим-да», — деди оҳиста.

Ана шу суҳбатга ҳам етти йил бўлди. Бугунги кунда Нурия Ибрагимова ойлик нормасини 130 процент бажараяпти. Ҳозир пальто тикишнинг олти жараёнини ўрганиб олган. Дарвоқе, кечагина эмасмиди, худди шу қизчадек илк бор тиккан пальтосини иймaниб кўрсата олмай тургани. Энди унинг ўрнида бошқа қиз турибди.

— Сиз ҳақиқий мураббийсиз, — миннатдорчилик билдирди у устозига.

— Сен ҳам бу даргоҳнинг тупроғини 25 йил яласанг, педагог бўлиб кетасан — самимий ҳазил билан жавоб қилди у.

Мафкария опанинг ҳаёти, тақдири корхона ҳаёти, тақдири билан боғланган. У корхонада иш ўрганди, тажриба орттирди, ўсди, улғайди, камол топди. Меҳнат зарбдори бўлди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги ва ишбилармонлиги билан коллектив ўртасида обрў-эътибор топди. Унинг кўз ўнгида корхона бутунлай ўзгарди, замонавий машина ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган йирик бирлашмага айланди. Мафкария Галимова ветеран ишчи номига сазовор бўлди. У меҳнат ветерани бўлишига қарамай, ҳамон сафда, зарбдорларча меҳнат қилади. Ойлик планини доимо 170 процент бажаради. У зарур пайтда хотин-қизлар қишки пальтосини барча жараёнларини моҳирлик билан уддалай олади. Шогирдларига ҳам кийим-кечакни мустақил тика оладиган ишчи ҳақиқий чевар бўлади, деб ўргатади.

Корхона пальтоларининг довруғи кейинги йилларда кенг тарқалди. Сифати яхшиланди. Маҳсулот турлари кўпайди.

Бу муваффақиятда ветеран ишчи Мафкария Галимованинг ҳам камтарона меҳнати бор.

М. ҲАЙДАРОВА.



Тошкент тепловоз депоси ишчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш мақсадида коллектив ўртасида бошланган социалистик мусобақани кун сайин авж олдириб меҳнат қилмоқдалар. Сиз юқоридаги фотолавҳада депонинг эксплуатация бўйича навбатчиси Вячеслав Пильнов ва илғор ремонтчи слесарь Александр Подимовларни кўриб турибсиз. Бу мусобақа илғорлари ўзларига топширилган вазифани ўз муддатида ва сифатли бажариш билан коллектив ўртасида шуҳрат қозонишган.

М. Нуриддинов фотоси.

## Тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Москва области қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашуви ҳақидаги ҳисобот эълон қилинган.

● 1987 йилнинг 6 августида Москва вақти билан соат 2 дан 28 минут ўтганда «Прогресс-31» юк кемаси одам бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташтирилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахбороти берилган.

## ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА ЮБОРИЛДИ

Тошкент экскаватор заводининг коллективи Венгрия, Куба, Монголиядан олинган буюртмаларни муддатидан олдин бажарди. 24 экскаватор буюртмачиларга жўнатилди.

Бундан ташқари, корхонада янгидан ўзлаштирилаётган «ИО-32-31» маркали гидравлик экскаватор Германия Демократик Республикасида очиладиган халқаро ярмаркада намойиш этиш учун юборилди.

## Ўқув йили тараддуди

Киров райони мактабларида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бешта мактабда капитал, 35 мактабда жорий ремонт ишлари бажариляпти. Ўқувчилар қурилиш-ремонт бригадалари жорий ремонт ишларини амалга оширдилар. Ёшларнинг ижтимоий фойдали меҳнати туфайли давлатнинг 120 минг сўмдан ортиқ пули тежаб қолинди.

Янги ўқув йилида биринчи синфларга олти ёшли болалардан 1900 ўқувчи қабул қилинмоқда. Уларга қўшимча хоналар тайёрлаб қўйилди. Юбилей йилида ўқув-тарбия ишларини талаб даражасига кўтариш, математика, физика кабинетларини электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозлаш мақсадида 4 миллион 958 минг сўм пул сарфланмоқда.

Юнусободнинг 10-кварталида 1568 ўринли мактаб пардоздан чиқарилди. Янги мактабга 256 минг сўмлик техника воситалари, кўргазмали ўқув қуроллари сотиб олинди. Спорт заллари, фан кабинетлари жиҳозланмоқда.

— Янги мактаб биносида ҳамма шарт-шароит яратилганлиги кишини янада ғайрат ва масъулият билан ишлашга чорлайди, — дейди мактаб директори Нуриддин Муҳидов. — Шу ерда 640 ўринли экспериментал болалар комбинати ҳам юбилейга атаб қурилмоқда. Бу ерда бассейн, соғломлаштириш спорт майдончалари бўлади.

19-кварталда эса 320 ўринли боғча ҳам юбилейга совға этилади. Янги боғча-яслиларга ҳозиргача 200 минг сўмлик ўйинчоқлар, стол-стулчалар олинди. Юбилей йили сентябрь тонготарида 46 минг ўғил-қиз мактабларга боришади.

## «КЎЧА БАЙРАМИ»

### Янгича анъаналар — ҳаётимиз кўрки

Ўтган куни Ҳамза районидаги «Гулистон» маҳалласи аҳоли билан жуда ҳам гавжум бўлди. Бу ерда Ҳамза номли маданият уйининг ташаббуси билан маҳалла аҳлининг иштирокида «Кўча байрами» деб аталган маросим ўтказилди. Байрам маросимида сўзга чиққан маданият уйининг директори М. Оқайдинова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими Х. Санақулов, маҳалла комитетининг раиси О. Алимов ва бошқа ўртоқлар янгича анъаналарнинг ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганлигини таъкидладилар, эскича расм-русмларга батамом барҳам бериш лозимлигини уқтирдилар. Шунингдек, бу маросимда тўйларни замон талаблари руҳида ўтказиш масалалари хусусида ҳам қизғин гаплар бўлди.

Ҳамза номидаги маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

М. АҲМЕДОВ.

## Телетайп лентасидан

● ПАНАМА

Ҳозирги вақтда Панамадаги ички сиёсий вазият бирмунча осойишта бўлиб қолди. Маҳаллий матбуот ва кузатувчилар ҳукумат билан ҳарбий қўмондонлик ўз позицияларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлганликларини айтмоқдалар.

Кейинги кунларда бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинглар ва намойишлар Панаманинг ҳозирги раҳбариятини халқ оммаси, биринчи навбатда демократик партиялар, касаба союзлар ва ҳарбий маҳкамалар қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Юз минглаб меҳнаткашлар озодлик, мустақиллик ва суверенитетни ҳимоя қилиш учун, Вашингтоннинг мамлакат ишларига қўпол равишда аралашаётганлигига, дўқ-пўписа ва тазйиқ ўтказаётганлигига қарши чиқдилар.

Бироқ ўнг оппозиция курашдан воз кечмади. Оппозициянинг ашаддий вакиллари вазиятни яна кескинлаштиришга уринмоқдалар. Ўнглар ошкора қўпорувчилик ҳаракатларига журъат қилмай, забастовкалар, намойишлар йўли билан ҳукуматни ва ҳарбийларни жавоб чоралари қабул қилишга мажбур этишни режалаштирмоқдалар. Оппозициянинг режаларига кўра, бу мамлакатдаги вазиятни янада кескинлаштириб, АҚШ аралашувини кенгайтириш учун шарт-шароит яратади.

● МАНАГУА

Қўшма Штатлар қуроллантириб, пул билан таъминлаётган сомосачи ёлланган бўлинмалар ҳозир Никарагуа территориясида катта ҳужумни бошлаб юборишга уринмоқдалар. Никарагуа мудофаа министрининг ўринбосари Хоакин Куадра «Баррикада» газетасида эълон қилинган Никарагуа НУЭВА агентлиги мухбири билан суҳбатда шу гапни айтди.

Уруш ҳаракатларида, деб уқтирди у, Гондурасдаги ҳарбий базалардан Никарагуага ташланган қарийб тўрт минг нафар контрас қатнашмоқда. Улар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, граждан саноат объектларида қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар, кооперативларга ҳужум қилмоқдалар, тинч аҳолини ўлдирмоқдалар. Ҳозирги вақтда Гондурасда икки мингдан зиёд контрас жойлашиб олган. Рейган маъмуриятининг Никарагуага нисбатан агрессив сиёсати натижасида сомосачиларнинг тажовузкорлик ҳаракати кучайиб кетди, деди Х. Куадра. Контрас сандиночилар халқ армиясининг бўлинмалари билан ошкора қуролли тўқнашувлардан қочмоқда.

Бу ёлланган газандалар Пентагон ва МРБ инструкторлари раҳбарлигида махсус тайёргарликдан ўтганликларига қарамай, ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига ололмайдилар, деб уқтирди ҳарбий раҳбар. Революцион ҳукумат АФВ тўғрисида қонун қабул қилганлиги натижасида кўпгина собиқ аксилинқилобчилар қуролини ташлаб, энди янги жамият қурилишида қатнашмоқдалар. Сандиночилар революциясининг саккиз йили бутун Никарагуа халқининг тараққийпарвар ғалабаларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга аҳду паймон қилганлигидан далолат беради.

● ВАШИНГТОН

«Тайм» журналининг ёзишича, Рейган маъмурияти Панама миллий мудофаа кучларининг бош қўмондони генерал Мануэль Норьеганинг обрўсини тўкишдан иборат кенг кампания бошлаш йўлида куч-ғайрат сарфламоқда. Журнал хабардор доираларга асосланиб, Американинг махсус хизмат маҳкамаларига Панамадаги олий ҳарбий лавозимдаги Норьеганнинг ўрнига «энг мақбул ворисни танлаш» вазифаси топширилганлиги тўғрисида хабар беради. Бунда Қўшма Штатлар «Панама канали ва АҚШнинг канал зонасидаги ҳарбий базалари хавфсизлигини таъминлайдиган» панамалик ҳарбийларга таянмоқда, деб таъкидлайди Американинг бошқа «Ньюсуик» журнали.

